2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 134 (390), 2021 йил 2 июль, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 июль куни давлат активларини хусусийлаштириш соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хусусийлаштириш — муҳим иқтисодий тадбирлардан бири. Бу нафақат бюджетга тушумни таъминлайди, балки янги инвестиция лойиҳалари, иш ўринлари ва қўшилган қиймат учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Чунки тадбиркорлик ривожи учун энг зарур шароит, аввало, ер, бино ва инфратузилмадир.

Шу боис, хусусийлаштириш масаласи иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Жорий ва келгуси йилда давлат улуши бўлган корхоналар сонини камида 3 баробар қисқартириш бўйича иш олиб борилмоқда. Бу ислоҳотлар дунёдаги нуфузли экспертлар ва оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

2020 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Бу борадаги ишлар ўз самарасини бериб, жорий йилнинг биринчи ярмида 478 та давлат мулки 1 триллион 100 миллиард сўмга сотилди.

Лекин бу борада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Хусусан, сотилиши белгиланган 556 та мулкдан 288 таси савдоларга чиқарилмаган. Шунингдек, давлат корхоналари ва банклар ихтиёрида уларнинг асосий фаолиятига хос бўлмаган 511 та объект ҳалигача сотилмасдан турибди.

Йиғилишда хусусийлаштириш жараёнини самарали ташкил этиш, аукционда қатнашиш тартибларини соддалаштириш ва иштирокчилар сонини кўпайтиришга қаратилган вазифалар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, жорий йилда 900 дан ортиқ давлат мулки сотувга қўйилади. Энди давлат мулкларини “1 сўм” қийматда савдога чиқариш, ер участкаларини инвестиция мажбурияти билан сотиш амалиёти бекор қилинади ва улар бозор баҳосида электрон савдоларга чиқарилади.

Бундан ташқари, онлайн аукционда қатнашиш учун тўловлар бекор қилинади ва тадбиркорларга электрон рўйхатдан ўтиш харажатлари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан қоплаб берилади. Аукционда мулкни сотиб олганда тўлов муддати ҳозирги 5 кундан 15 кунгача узайтирилади.

Бундан буён давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотларнинг бино-иншоотлари, транспорт воситаларини сотиш ва ижарага беришни фақат электрон аукцион орқали амалга ошириш тартиби жорий этилади.

Мутасаддиларга ушбу янги тартибларни назарда тутувчи қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш топширилди.

Тошкент шаҳридаги 13 та йирик кўчмас мулк объекти ҳамда 11 та тармоқ корхоналаридаги давлат улушларини хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда сотувга чиқариш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ўз ваколатидаги 154 та бўш турган объектни бир ой муддатда савдога чиқариш вазифаси қўйилди.

Ҳокимликлар томонидан сотувга чиқарилган мулклар сотилганда, ҳудудлар ихтиёрида қоладиган маблағлар улуши 73 фоиздан 87 фоизга ошириладиган бўлди. Бу маблағлар вилоят ва туманлар (шаҳар) бюджетлари ўртасида тенг тақсимланади.

Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат корхоналари ҳамда банкларнинг асосий фаолиятга хос бўлмаган ва бўш турган объектларни тўлиқ қайтадан хатловдан ўтказиб, уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш бўйича топшириқ берилди.

Фаолият юритмаётган ёки зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Н.И.ПИРОГОВ НОМИДАГИ РОССИЯ МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, халқаро таълим стандартларини жорий этиш, тиббий хизматлар ҳажми ва сифатини ошириш, тиббиёт амалиёти, таълими ва илмий тадқиқотлари ўртасидаги интеграцияни таъминлаш, даволаш-ташхислаш жараёнига илғор ютуқларни ва инновацияларни татбиқ этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети” Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (кейинги ўринларда — Университет) **Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети” Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалини** (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш тизими ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун муҳим илмий-амалий муаммоларни ҳал қилишга қодир юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш;

тиббиёт кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган замонавий таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини жорий қилиш, ўқув-педагогик салоҳиятни ривожлантиришни рағбатлантириш;

тиббиёт ва тиббиёт илм-фани соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш;

таълим ва фаннинг узлуксизлиги ҳамда узвийлиги, шунингдек, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига мажбурий интеграциялашув ҳисобига мутахассислар, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

таълим ва илмий фаолиятнинг тиббий ва фармацевтик фаолият билан чуқур интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратиш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан таълим ҳамда тиббиёт илми соҳаларида узоқ муддатли муносабатларни мустаҳкамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Университетнинг юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида таркибий бўлинмаси бўлиб, таълим, илмий, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга;

Давоми 2-бетда

ТОКИО ОЛИМПИАДАСИ: ТАРАДДУД

ЎЗБЕК ЁШЛАРИ ҚАЛБИДА СУРУР, БИЛАГИДА КУЧ, ҚАДАМИДА ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК УЙҒОНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида 100 нафардан ортиқ ёшларимиз кейинги ойда Токиода бўлиб ўтадиган Олимпиада ва Паралимпия мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганини мамнуният билан таъкидлаб, истеъдодли спортчиларимизга ютуқ ва зафарлар тилади.

Ўзбекистон етакчисининг бу эътирофи мамлакатимиз ёшларига жуда катта мотивация берди, айниқса, спортчиларимизни янги ғалабалар сари чорлаб, шиддату шижоатини чандон оширди.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси...

Болалигимизда ҳар бир уйда от боғланадиган қозиқ бўларди. Уни яккамих, дердик. От парваришланмайдиган уйларда ҳам шундай яккамихларга кўзимиз тушарди. Тоғу даштдаги қишлоқларда оти бор, яккамихи бор уйга ёмонлик йўламайди, деган қарашлар ҳамон сақланиб қолган.

Шу каби аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган маънавий хазинамизни асраш тобора долзарб аҳамият касб этаётган бугунги глобаллашув даврида Президентимизнинг ҳар бир уйда от бўлишини қўллаб-қувватлаб билдирган ташаббуси қанчалик аҳамиятли эканини англаш мушкул эмас.

Зеро, от йигитга йўлдош, яхши-ёмон дамларда суянчиқ бўлади. От миниб вояга етган, дараларни гумбурлатиб, бепоён адирлар меҳрини қалбига сингдирган ҳар бир йигит элга ризқ ато этади.

Гапни Токио Олимпиадасига лицензияни қўлга киритган спортчиларимиз ҳақида бошлаган эдик. От мавзусига ҳам бежиз юзланмадик.

Мен бир чемпион боксчимизни биламан. У тез-тез отда сайрни қилишни хуш кўради. Айтишича, от миниш инсон организмидаги ҳужайраларни ҳаракатга келтиради, шунда мушаклар бақувват бўлади.

Президентимиз Ёшлар кунига бағишланган нутқида ҳар бир вилоят ва туманларда “Чавандозлар мактаби” фаолиятини йўлга қўйиш, уларда қорабайир зотли отларни кўпайтириш масаласини илгари сурди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари жойлардаги спорт мактаблари фаолиятини жонлантириш борасида ҳам аниқ чора-тадбирларни айтди. Энди қишлоқларда спорт тўгаракларини ташкил этаётган мураббийларга инвентар сотиб олиш учун субсидия ажратилади, бўш турган бинолар имтиёзли асосда ижарага берилади. Бундан ташқари, камида 100 нафар ёшнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига эришган мураббийларга бюджетдан ойлик тўлаш тартиби жорий этилади.

Давоми 6-бетда

ҒУРУР

ҲУМО ҚУШИ ҚУЧГАН ЮРТ

2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

Ўзбекистон Давлат гербида бошини баланд кўтарганча қанотларини кенг ёйиб, юртни қучиб турган Ҳумо қушига назар солган инсоннинг онгу шууридан шундай хаёллар кечади: тупроғи зар Ўзбекистон осмонида бахт қуши соябон бўлиб турибди, халқига ризқу насиба этиб олий неъматларни тутаётган она замин бахтга йўғрилгандек. Жаннатмонанд Ўзбекистонга бахт қуши ярашади.

Давлат рамзлари эл-юртнинг ҳурлиги, миллий ғурури ва менталитети, шонли тарихи, маънавий-маданий бойлиги, урф-одати, анъаналари, буюк мақсад ва эзгу орзу-интилишларини ўзида акс эттиради. Ҳақиқатан ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан янги давлат, янги жамият қуриш йўлидаги ислоҳотлар жараёнида халқимизнинг миллий ғурурини кўтаришга, озод ва обод Ватан барпо этишга бўлган интилиши, шижоатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз рамзлари, жумладан, гербимиз лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг муҳокамалар асосида қабул қилингани бу борада муҳим ишлардан бири бўлди.

Давоми 5-бетда

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

ХОРИЖДА САЛОҲИЯТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ: талаб, танлов ва самара

Ҳар қандай соҳа ривожи моддий маблағ, замонавий технология, илғор ишлаб чиқариш тизими, халқаро алоқалар каби муҳим омилларга боғлиқ бўлса-да, билимли, малакали, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган мутахассислар бунда асосий ўрин эгаллайди. Шу боис, тараққий этган мамлакатлар таълим тизимида ана шундай иқтидорларни тайёрлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ижрочи директори ўринбосари Одилжон САТТОРОВ мухбиримизнинг хориждаги нуфузли таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш жараёни, номзодларни танлаш талаблари, бу борада яратилаётган имкониятлар, хорижий олимлар ва профессорларни истиқболли тармоқларга жалб этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасидаги саволларига жавоб берди.

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Н.И.ПИРОГОВ НОМИДАГИ РОССИЯ МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Филиалдаги таълим жараёни Россия Федерациясининг федерал таълим стандартларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва таълим дастурлари асосида рус тилида олиб борилади;

Филиал таълим фаолиятини 2022/2023 ўқув йилидан бошлайди;

абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади;

Филиал Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ равишда фаолиятини амалга оширади.

4. Қуйидагилар:

Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети” Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалида кадрлар тайёрлашнинг **асосий йўналишлари (мутахассисликлари)** 1-иловага мувофиқ;

Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети” Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали **Васийлик кенгаши таркиби** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Филиалнинг тўлақонли фаолият юритиши билан боғлиқ ташкилий, молиявий, юридик, иқтисодий, таълим, методик, логистик ва бошқа масалаларни ҳал қилиш;

ўқув жараёнини, талабаларнинг ўқув-педагогик амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, меҳнат бозорининг кейинги ривожини ҳисобга олган ҳолда, мутахассислар ва илмий-техник кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилашда кўмаклашиш, ўқитишнинг сифатини режали асосда ошириб бориш, Филиал битирувчиларини ишга жойлаштириш;

соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаш учун хайрия, техник кўмак маблағлари (грантлар) ва бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб этиш;

Филиалнинг моддий-техник, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва ўқув материаллари билан жиҳозлаш, ижтимоий инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш;

ҳар ўқув йилида таълим олувчилар сонини аниқлаш;

Университет ва шу соҳага ихтисослашган бошқа етакчи хорижий олий таълим ташкилотларида амалиёт ўташ учун иқтидорли талабаларни ва ординатура тингловчиларини танлаб олиш, шунингдек, чет элда ўқиш учун махсус стипендиялар ташкил этиш;

Филиал бинолари ва иншоотларини, шу жумладан, талабалар яшаш жойи ва ўқитувчилар учун меҳмонхона мажмуасини қуриш, реконструкция қилиш масалаларини мувофиқлаштириш, шунингдек, Филиални замонавий ўқув-лаборатория ва симуляция асбоб-ускуналари, компьютер ва оргтехника, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, инвентарлар, мебеллар ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозлаш;

вазирлик ва идоралар томонидан Филиал фаолиятини ташкил этиш бўйича вазифаларнинг бажарилишини мунтазам мониторинг қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси ва Университетнинг 2021/2022 ўқув йилида 35 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 3-иловага мувофиқ мутахассисликлар бўйича **ординатура дастурларига мувофиқ Университетда таълим олишини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, Университет:

Филиалнинг таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этади;

Филиалда таълим беришга ва илмий фаолиятга хорижий ҳамда маҳаллий профессор-ўқитувчиларни жалб қилади;

Филиал профессор-ўқитувчиларини доимий равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни, шу жумладан, маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказларида масофавий ўқитиш орқали ташкил этади;

Филиалнинг кутубхона фондини шакллантириш ҳамда уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришда ёрдам кўрсатади.

7. Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети” Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги **филиалини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Филиал Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй манзилида жойлашган Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бино ва иншоотларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

9. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент давлат стоматология институти ҳудудида янги ташкил этилаётган кўп тармоқли клиника Филиалнинг асосий клиник базалари (кейинги ўринларда — Филиалнинг клиник базалари) сифатида белгилансин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиалга йиллик қабул параметрлари тармоқ ва ҳудудлардаги тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, Университет билан келишилган ҳолда Васийлик кенгаши қарори билан тасдиқланади;

б) мақсадли буюртма бўйича кадрларни тайёрлаш, жумладан, Филиал битирувчиларининг келгусида иш билан таъминланиши бўйича шартлар абитуриентлар ва манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишувларга мувофиқ аниқланади;

в) давлат гранти асосида таҳсил олган Филиал битирувчилари Ўзбекистон Республикасининг давлат тиббиёт муассасаларида камида 5 йил ишлаш шарти билан ишга тақсимланади;

г) Филиал фаолиятини молиялаштириш:

Филиалга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган талабалар ва ординатура тингловчиларини давлат грантлари бўйича ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳар йили ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

пуллик-шартнома асосида талабаларни ўқитишдан тушган маблағлар;

Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадли бадаллари ва хайрия ёрдамлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грант маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

д) Университетдан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш:

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафарларида — Россия Федерацияси қонунчилиги бўйича олий таълим муассасалари ходимлари учун назарда тутилган меъёрлар бўйича;

ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиқадиган узоқ муддатли хизмат сафарларида — тузиладиган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

е) Филиал таъминоти учун бюджет ажратмалари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида ажратилади, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

11. Филиалга иккита енгил, жумладан, битта шахсан бириктирилган ва битта навбатчи автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Университет ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Филиалга бинолар ва иншоотлар берилиб, Университет низомига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг, бир ой муддатда Филиалнинг таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин, келишсин ва тасдиқласин, шунингдек, Филиални белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Филиалда таълим бериш ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркибини, шу жумладан, чет эллик мутахассисларни доимий равишда Филиалга жалб этиб борсин;

б) Университет ва Филиалнинг таълим жараёнида иштирок этаётган профессор-ўқитувчилари таркиби ҳамда амалдаги мутахассислик сертификати ёки аккредитация тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган Университетнинг бошқа ходимларига Ўзбекистон Республикасида тиббий фаолиятни амалга оширишга белгиланган тартибда рухсатнома берилишини таъминласин;

в) Филиалнинг клиник базаларида Филиал талабалари ва ординатура тингловчиларининг амалий машғулотларини бепул асосда ташкил этиш учун шартномалар тузган ҳолда керакли шарт-шароитларни яратсин ва, зарур ҳолларда, бошқа тиббий (илмий) ташкилотларни қўшимча клиник база сифатида Филиалга тақдим этсин;

г) Филиалнинг клиник базалари бўлган тиббий (илмий) ташкилотлар раҳбарлари томонидан талабалар ва ординатура тингловчиларининг беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнига киришига рухсат берилиши ва уларнинг иштирокини таъминласин;

д) Филиалда ўқишга қабул бошланганлиги ҳақида, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари иштирокида кенг кўламли ахборот кампанияси олиб борилишини таъминласин;

е) сайёр қабул комиссияси ташкил этилишида ёрдам кўрсатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик бепул кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан Филиалнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун давлат божи ундирилмасдан, белгиланган тартибда кўп марталик визалар берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш манзиллари бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан республикага Филиал фаолиятини ташкил этишда иштирок этаётган чет эл фуқароларини жалб этишга белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, ушбу чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш учун тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган буюртманомалари бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ Филиалнинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, жумладан, талабалар яшаш жойи, ўқитувчилар учун меҳмонхона мажмуаси ва симуляцион марказ қуриш лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг 2022 ва кейинги йилларга мўлжалланган Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Филиалнинг дастлабки моддий-техник базасини яратиш мақсадида 2021 йилда зарур пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида тиббиёт соҳасини ривожлантириш учун назарда тутилган лимитлардан тежаб қолинган маблағларни қайта тақсимлаш йўли билан ёки ўзлаштирилмаган маблағлар ҳисобидан ажратсин.

18. Филиални капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва оргтехника, дастурий таъминот, ўқув-лаборатория ва симуляцион жиҳозлар, илмий-методик адабиётлар, ўқитишнинг техник воситалари, мультимедиа маҳсулотлари, инвентарлар, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар 2024 йил 1 июлга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М.Хаджибаев ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошқулов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 1 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида Транспорт вазирлиги, транспорт соҳаси ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Сирдарё вилояти ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги қонуни ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар, давлат тилида иш юритишнинг бугунги ҳолати, ҳудудларда ташқи ёзувлар, шу жумладан, лавҳалар, эълонлар, реклама ва кўргазмали бошқа ахборот матнлари, ташқи реклама материалларини тартибга солиш бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Раёсат мажлисида сўнгги йилларда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрнини мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви органларида тўлиқ давлат тилида иш юритиш, ўзбек тилини ривожлантириш, унинг нуфузи ва мавқеини оширишга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилингани, “Давлат тили ҳақида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниш арафасида тургани таъкидлаб ўтилди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Uzbekistan airways” АЖ, “Uzbekistan Airports” АЖ раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти, ушбу ташкилотларда давлат тилида иш юритиш ҳолати, ташқи тарғибот воситалари ўрганилганда, таҳлиллар хорижий тилларда ҳужжат юритилиши камайганлигини кўрсатган.

Идоралараро ҳужжатлар алмашинувида ҳам давлат тили тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилишига эътибор қаратилган.

Тизимда давлат тили тўғрисидаги қонуности ҳужжатлари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан вазирлик ва транспорт соҳаси ташкилотларида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилган.

Шу билан бирга, Транспорт вазирлиги ва транспорт соҳаси ташкилотларида “Давлат тили ҳақида”ги қонун, шунингдек, мазкур йўналишда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган айрим қонуности ҳужжатларининг ижросини таъминлашда бир қатор камчиликлар кузатилгани қайд этилди.

Шунингдек, мажлисда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг Сирдарё вилояти, Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Сардоба, Оқолтин ҳамда Гулистон туманларидаги ижроси кўриб чиқилди.

Ҳудудлардаги ташқи тасвирий тарғибот воситалари, географик объектларнинг номлари, ҳокимликларда давлат тилида иш юритиш ҳолати таҳлил қилинди.

Вилоятда ўтган давр мобайнида 908 та яроқсиз, давлат тили тўғрисидаги қонун талабларига зид бўлган реклама, ташқи ёзув ва бошқа ахборот матнлари олиб ташланган.

Ҳудудда мавжуд 9 260 та географик объектнинг тўлиқ хатлови амалга оширилган. 6 та маҳалла, 2 216 та кўча, 1 та майдон, 3 та хиёбон ва бошқа 2 226 та объектни номлаш ва номини ўзгартириш бўйича 11 та туман (шаҳар) кенгашининг қарорлари қабул қилинган.

Қонун талабларига жавоб бермайдиган 2 та маҳалла, 1 450 та кўча, 1 та майдон, 3 та хиёбон номи ўзгартирилган. Ҳозирги кунда вилоят бўйича номсиз кўчалар мавжуд эмаслиги таъкидланди.

Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя қилиш, иш юритишни давлат тилида ташкил этишга шахсан масъул эканликлари бўйича огоҳлантирилди.

Қайд этилган камчиликларни бартараф этиш бўйича вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига аниқ вазифалар белгилаб берилди.

МУНОСАБАТ

БОР КУЧИМНИ ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА САРФЛАЙМАН

Отабек ШУКУРОВ,
футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндори

Қарийб 60 фоиздан зиёд аҳолиси ёшлардан иборат бўлган мамлакатимизда янги авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш бугун жадал суръатларда давом этяпти.

Айниқса, ўзининг ижодий ва интеллектуал салоҳияти, танлаган касб йўналиши ва ижтимоий ҳаётда эришган муҳим натижалари билан турли соҳаларда юрт равнақига, унинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тенгдошларига ўрнак ва намуна бўлиб келаётган фаол ва етакчи ёшларимизни муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Куни кеча давлатимиз раҳбари Ёшлар куни муносабати билан фаол ва ташаббускор ёшлардан бир гуруҳини мукофотлагани эса кўзи ёниб турган эртамиз эгаларига янада кўтаринкилик бағишлаб, уларни жўшқин ҳаёт сари дадил руҳлантиргани аниқ.

Президентимиз томонидан “Мард ўғлон” давлат мукофотига муносиб кўрилганим қалбимни ғурур-ифтихорга тўлдирди, ўз олдимга янада юксак марраларни қўйишга ундади. Қашқадарё вилоят ҳокими Зойир Мирзаев давлатимиз раҳбари номидан юксак мукофотни топшираётган лаҳзаларда ўзимга ўзим сўз бердим: “Бор кучимни ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга сарфлайман”.

Қувонарлиси, мени тарбиялаб, вояга етказган отам ҳам Президентимиз совғаси — “Қорабайир” зотдор отини совға сифатида қабул қилиб олди. Падари бузрукворимга қараб туриб, унинг ўша онларда ҳаяжонланганини кўрдим, кўзидан қувонч ёшлари юмалаганига гувоҳ бўлдим. Бу дақиқалар мен учун икки карра ҳаяжонли кечди. Вилоят ҳокими шундай фарзанд тарбиялаб, вояга етказгани учун отамга Президентимизнинг, қолаверса, ўзининг номидан алоҳида миннатдорлик изҳор қилганида, беихтиёр ота-бола бир-биримизни қучоқлаб олдик.

— Бундай алоҳида ҳурмат ва эътибордан бошим кўкка етди, — деди отам ҳам сўз олиб. — Илоҳим, фарзандини умид билан тарбия қилаётган ҳар бир ота-она мана шундай энг олий бахтга сазовор бўлсин.

Тақдирлаш маросимига йиғилганларнинг барчаси мени ва отамни қутлади. Айниқса, бахтиёр оиламизга, ота-онамга ҳавас кўзи билан боқиб туришарди. Уларнинг қалбида бугунги кунда фарзандини муносиб тарбиялаган ҳар бир ота-она эътироф этилишига ишонч ҳисси мужассам эди.

Мен бир нарсага аниқ амин бўлдим: хайрли ишлар, албатта, инсонни улуғлар, ҳурматга сазовор қилар экан. Демак, мен келгусида ҳам Президентимга, халқимга, ота-онамга, жонажон устозларимга чинакам фарзанд, шогирд бўлишда давом этаман. Шунингдек, ўзбек футболида янада кўплаб ёркин ва тарихий ғалабаларга эришаман.

ЮКСАК ДАРАЖАДАГИ ЭЪТИРОФ ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ БАҒИШЛАЙДИ

Халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаймиз

Одилжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

30 июнь Ўзбекистон ёшлари ҳаётида унутилмас кун бўлди. Ишонч билан айта оламанки, Президентимизнинг Ёшлар кунида ўтказилган тантанали маросимдаги маърузаси ва ундаги ташаббуслар нафақат шу тадбирда иштирок этган ёшлар, кенг жамоатчилик вакилларини, балки маҳалла-кўй, ота-она, устоз- ўқитувчилар, ҳатто у ёки бу сабабларга кўра хорижий давлатларда умргузаронлик қилаётган ҳамюртларимизни ҳам беҳад қувонтирди.

Инсон қачон қувонади, қачон ўзини бахтиёр ҳис қилади? Қачонки, ўзи ва яқинларини қийнаб турган масалага ечим топа олса, кўнгли, хаёлидаги саволларга тўғри жавоб ололса...

Президентимиз маърузасида кўтарилган ҳар бир масала ва уларнинг ечимига оид таклиф ва ташаббусларни тинглаб, уларни қайта-қайта ўқиб, бир неча йиллар давомида ёшлар ташкилотида фаол бўлган инсон сифатида хулоса билдириб ўтсам. Форумда биз, ёшлар ўз вақтида ҳатто оғиз жуфтлашга ҳам ботинолмаган масалалар муаммо сифатида олий даражада тан олинди ва бу масалаларга аниқ ечимлар кўрсатилди.

Эътиборлиси шундаки, юртимизда Ёшлар куни нишонланадиган 30 июнь сайёрамиздаги энг кекса халқаро ташкилотлардан бири — Парламентлараро иттифоқ учун ҳам муҳим сана, яъни Халқаро парламентаризм куни сифатида нишонланади. Парламентлараро иттифоқ парламентлар ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш ва халқаро тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида биргаликда фаолият кўрсатиш учун уларни бирлаштиришга хизмат қилувчи ташкилотлардан биридир.

Бугун Ўзбекистондаги парламент, олий вакиллик органига сайланган депутат сифатида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳузурида ёшларни парламент ҳаётига яқинлаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнлари билан таништириш мақсадида ташкил этилган Ёшлар парламенти аъзоларининг фаолиятини кузатиш, уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш менга алоҳида завқ, куч-қувват беради.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги кичик хизматимизни эътироф этгани эса мен ва мен каби ёш депутатларга ҳам шараф, ҳам масъулият бағишлайди.

Биз, Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий етук ва фаол ёш йигит-қизларимизни миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенг жалб этиш, маҳаллий кенгашларда ёшлар парламенти вакиллари мактабини ташкил этишга муносиб ҳисса қўшиш орқали халқимиз ва Президентимиз билдираётган ишончни оқлашимиз лозим.

30 июнда ўтказилган навбатдаги Ёшлар форумида биз, депутатларга яна бир муҳим вазифа қўйилди. Яъни ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хусусан, Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, олийгоҳлардаги тегишли проректорларнинг мақоми, ваколати ва масъулиятини ошириш, иш услубларини ўзгартириш ва мутлақо такомиллаштиришга ҳисса қўшишимиз билдириб ўтилди.

Парламент палаталарида ана шундай мутасадди раҳбарлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш тартиби жорий этиладиган бўлди.

Ишсизлик муаммоси бўлмаслиги керак

Актам ҲАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, билим ва касб-ҳунар эгаллаши, яхши турмуш кечириши учун муносиб шароит яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишига айланмоқда. Сўнгги 4 йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, 500 мингдан ошгани бунинг яққол далилидир. Хорижий инвестициялар иштирокида замонавий корхоналар барпо этиб, кўплаб янги иш ўринлари яратаётган, ўз маҳсулотларини экспорт қилаётган тадбиркор ёшларимиз сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Куни кеча Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда давлатимиз раҳбари ёшларимизнинг ҳаётий муаммоларига янада кўпроқ эътибор қаратиш, уларга мос бўлган замонавий иш ўринларини кўпайтириш, эзгу интилиш ва ташаббуслари, инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш борасидаги долзарб масалаларга алоҳида тўхталди.

Бу борада марказий ва маҳаллий ҳокимлик идоралари, депутатлар корпуси, суд-ҳуқуқ соҳаси раҳбарларининг ёшлар билан очиқ мулоқотлар олиб бориши яхши анъанага айланди. Натижада ҳудудларда йигит-қизларни қийнаётган кўпгина муаммолар жойида ҳал этилмоқда, бизнесни бошлаш истагида юрган ёшларга амалий ёрдам, кенг имкониятлар, зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Жорий йилда бошланган ер ислоҳотлари доирасида пахта ва ғалладан қисқарган майдонларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонлари 10 йил муддатга ижарага берилиши 500 минг ёшни доимий иш билан таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, уларга бериладиган имтиёзли кредитлар ва лизинг асосида 50 мингдан зиёд енгил конструкцияли замонавий автосервис, маиший хизмат, чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси барпо этилиши белгиланган минг-минглаб ёшларнинг дилидаги гап бўлди.

Ахборот технологияларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиб, шу мақсадда жорий йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Сирдарё ва Навоий вилоятларида ёшлар технопарклари фойдаланишга топширилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Келгуси йили Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида ҳам шундай технопарклар барпо этилади. Ёшларнинг стартап ғояларини саралаб олишнинг шаффоф тизими йўлга қўйилади. Энг яхши лойиҳаларни молиялаштиришга бюджетдан 100 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш Миллий банк ва унинг барча филиаллари раҳбарларининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Бунда ёшларни бизнесга ўқитиш, “лойиҳалар фабрикаси”да илгари сурилаётган янги ғоялар асосида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва молиялаштириш бўйича доимий ишлайдиган ҳамда ёшларга қулай ва қизиқарли бўлган янги тизим яратилади. Шунингдек, банк томонидан хориждаги ёшларимизга Ватанимизга қайтиб келиб ишлаш, ўз бизнесини ташкил этиш, уй-жой шароитлари бўйича ёрдам беришга қаратилган ишлар йўлга қўйилиши керак. Ана шу ишларни молиялаштириш мақсадида бюджетдан қўшимча равишда 100 миллион доллар ажратилади.

Ўзбекистон ёшлар сиёсатида дунёга намуна бўлмоқда

Зуҳра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ёш авлоднинг комил тарбияси ва юксак тафаккури билан чамбарчас боғлиқ. Барча ривожланган давлат ва жамиятларда ёшлар давлат тараққиётини таъминлашда асосий куч бўлиб хизмат қилган. Ўзбекистонда ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон томонидан ёшларга оид қатор ташаббуслар илгари сурилаётгани ва уларнинг ҳаётга жорий этилаётгани мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамламоқда. Жумладан, 2020 йил 12-13 августда Халқаро ёшлар куни муносабати билан “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми фикримиз тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, унинг асосий мақсади ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга кўмаклашиш экани белгилаб берилди. Мана, беш йилдирки, 30 июнь санаси мамлакатимизда Ёшлар куни сифатида кўтаринки руҳ ва кайфиятда нишонлаб келинмоқда.

Куни кеча Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз ёшларнинг илм-фан, технологиялар, адабиёт, санъат каби соҳаларда эришаётган натижаларини акс эттирувчи кўргазма ва намойишлар билан танишгани, улар билан суҳбатлашиб, ўқиш ва изланишларига муваффақиятлар тилади.

Учрашувда бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатларига устувор аҳамият қаратилиб, алоҳида давлат ташкилоти — Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилгани, бундан ташқари, Ёшлар иттифоқи, унинг ҳузурида ўттиздан ортиқ нодавлат ташкилот фаолият юритаётгани, барча шаҳар ва туманларда “Yoshlar — kelajagimiz” давлат дастури, турли соҳаларни қамраб олган “Беш ташаббус” лойиҳалари амалга оширилаётгани таъкидланди.

Бугун ёшларга оид сиёсат иккита энг муҳим йўналишда амалга оширилмоқда. Биринчи йўналиш — ёшларга замонавий билим бериш, иккинчи йўналиш эса улар бандлигини таъминлашдир. Хусусан, ёшларнинг билим ва иқтидорини ривожлантириш мақсадида янгича шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилди. Умуман, барча мактабларга эътибор, ўқитувчиларга рағбат ва ҳурмат ошди. Ёш авлодда билимга интилиш кучайди.

Ўтган бир йилда билимли ва зукко ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида 4 та олтин, 18 та кумуш ва 29 та бронза медални қўлга киритди. Жорий йилда Президент мактабларини тамомлаган 96 нафар ўқувчининг барчаси муддатидан аввал нуфузли хориж олийгоҳларига грант асосида ўқишга кирди.

Билимга чанқоқ ёшларнинг талабига мос равишда олий таълим муассасалари сони 127 тага етказилди, хорижий университетларнинг 26 та филиали очилди. Охирги 5 йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 мингтага етказилди. Бу умумий қамровнинг 28 фоизи демакдир. 4 йил илгари бу кўрсаткич 9 фоиз эди. Давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилгани, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизга олий ўқув юртларига кириш учун алоҳида грантлар ажратилгани минглаб оилаларга қувонч олиб кирди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук ва комил шахслар бўлиб вояга етиб, келажакда юртимиз довруғини дунёга танитиши учун бугун энг юқори даражадаги замонавий шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Эртамиз эгаларининг манфаати йўлида кучимизни аямаймиз

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун юртимизда уларнинг ҳаётий мақсадларини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратилиб, муаммолари давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда. Хусусан, кейинги беш йилда ёшлар сиёсатига оид 77 та қонун ва қонуности ҳужжатлари, жумладан, 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ёшлар масаласига муҳим ўрин ажратилган.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, 2019-2023 йилларга мўлжалланган Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Китобхонликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эса ёшларни қийнаётган муаммоларни бевосита давлат даражасида кўриб чиқиш ва ҳал этиш имконини бермоқда. Ана шу имконият ва шарт-шароитлардан бугун ёшларимиз ўз орзу-умидлари, интилишлари ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида ҳеч иккиланмай фойдаланаётгани, ғайрат-шижоатли, фидойи ва ташаббускор йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарлидир.

Айниқса, Ўзбекистонда илк бор ишсиз ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги тизим — “Ёшлар дафтари”нинг жорий этилиши ўз вақтида кўрилган муҳим чора бўлди. Бу тизим асосида ўтган қисқа даврда юртимиздаги 8 714 та маҳаллада яшаётган 18-30 ёшдаги 6 484 806 нафар йигит-қизнинг 5 451 442 нафари ёки 84 фоизи билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилди. Суҳбат асосида ижтимоий ҳимояга, иқтисодий ва психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож, ишсиз 682 787 нафар шахс “Ёшлар дафтари”га киритилди. “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш учун ҳокимликлар ҳузурида Ёшлар жамғармаси ташкил этилиб, 113,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Умуман, сўнгги уч йилда 841 147 нафар ёшнинг ўз иш жойига эга бўлгани жуда катта натижа эканини алоҳида қайд этиш жоиз. 2018 йил сентябрь ойида ташкил этилган “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали эса илм-фанга чанқоқ, истеъдодли ёшларимизнинг етакчи хорижий олий ўқув юртларида бакалавр, магистратура ва докторантурада ўқишлари учун грантлар ажратилмоқда. Бугунга келиб, мазкур жамғарма маблағлари билан ўқишга юборилаётган ёшлар сони 5 баробар оширилди. 2021 йилда тасдиқланган давлат бюджети параметрларига кўра, жамғарма дастурларини молиялаштириш учун 62 миллиард сўм ажратилди.

Кечаги Ёшлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда ҳам амин бўлдикки, ёшларимиз илмга чанқоқ, кўзлари ва юраги ёниб турибди. Иқтидорини вақтида англаб, ғояларини қўллаб-қувватлаб, юртимизда яратилган имкониятларни тўғри тушунтириб, самарали фойдаланиши учун уларга кўмак бериш ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир.

Келажагимиз бунёдкорларига имкониятлар янада кенгайди

Хайрилло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Президентимизнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида ёшларнинг ўрни ва ролини ёритиб берувчи маёқ бўлди.

Унда давлатимиз раҳбари ёшларнинг бандлигини таъминлаш, замонавий илм-фан ва ҳунарларни эгаллаши, уларнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, тарбияси давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлаб, бу борада аниқ топшириқлар берди.

Хусусан, ёшларга имтиёзли кредитлар ва лизинг асосида енгил конструкцияли замонавий автосервис, маиший хизмат, чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари қуриш, бизнесга ўқитиш, янги ғоялар асосида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва молиялаштириш бўйича доимий ишлайдиган ҳамда қулай ва қизиқарли бўлган янги тизим яратилиши белгиланди.

Шунингдек, таълим кредити имтиёзли шартларда 7 йил муддатга 14 фоиз ставкада ажратилиши, мактабларда ўқувчиларни компьютердан даромад топадиган мутахассислар қилиб тайёрлаш учун республикамиз бўйича қўшимча 5 мингта компьютер синфи ташкил этилиши ҳамда ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши, бунда ипотека дастури доирасида уй-жой сотиб олиш учун ёш оилаларга қўшимча 2 мингта квота ажратилиши ҳамда шу мақсадлар учун бюджетдан 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши таъкидланди.

Яна бир муҳим масала. Ҳудудлардаги спорт тўгаракларини ташкил этаётган мураббийларга инвентар сотиб олиш учун субсидия ажратиш, бўш турган биноларни имтиёзли асосда ижарага бериш, шунингдек, камида 100 нафар ёшнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига эришган мураббийларга бюджетдан ойлик тўлаш тартибини жорий этиш белгиланди.

Шу билан бирга, парламент вакиллари олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйилди. Халқ депутатлари кенгашлари тавсияси асосида ёш, ғайратли, фидойи ўғил-қизларимиз бундан буён Олий Мажлис депутати ва сенаторларига бириктирилиши, 10-11-синф ўқувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўқитиш бўйича рўйхат ва дастур маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиниб, тасдиқланиши қонун даражасида мустаҳкамланиши, ёшлар тарбиясига бевосита масъул ва жавобгар бўлган ташкилотлар раҳбарлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳисоботларини парламент палаталарида эшитиб бориш тартибининг жорий этилиши шулар жумласидандир.

Муддао шуки, давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасидан келиб чиқиб, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, белгиланган вазифалар ижроси ўз вақтида сифатли таъминланиши учун бор кучимизни сафарбар этамиз.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

ХОРИЖДА САЛОҲИЯТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ: талаб, танлов ва самара

Бошланиши 1-бетда

— Аввало, жамғарманинг мақсад ва асосий вазифалари ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз. Бу жамғарма фаолияти борасида ўқувчиларга кенгроқ тасаввур беради.

— Дунё тараққиёти узлуксиз таълим, малака ошириш, тажриба алмашиш ва илғор ғояларни татбиқ этиш асосига қурилган. Шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда, ёшларни хориждаги нуфузли таълим муассасаларида ўқишга саралашни ташкил этиш, хорижий олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассисларни таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларига, айниқса, янги, истиқболли тармоқларга жалб этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш вазифаларимизнинг асосини ташкил этади.

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Эл-юрт умиди” жамғармасига 2021 йилдан бошлаб мутахассисларни хорижда тайёрлаш мақсадида

магистратура ва докторантура таълим дастурлари бўйича ўқитишга ўтган йилларга қараганда беш баробар кўп ўрин ажратиш вазифаси юклатилган.

Мазкур тизим бўйича хорижда таълим олишни истаганлар, аввало, рўйхатдан ўтади ва улар учун махсус танлов ўтказилади. Танлов талабларига жавоб берган номзодлар ўқишга юборилади.

2021 йил 1 апрелдан 1 майга қадар 350 ўринга мўлжалланган танлов эълон қилдик. 3810 нафар номзод онлайн платформадан рўйхатдан ўтган бўлса, уларнинг 196 нафари танловнинг 2-босқичига тавсия этилди. Бу босқич суҳбат тарзида ташкил этилди.

— Президентимиз куни кеча Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Ёш кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялашга қаратилган сиёсатимизни қатъий давом эттирамиз. Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳар йили ҳоким, вазир, идора ва банк раҳбарларига камида 2 нафардан ёш номзод захирасини тасдиқлайди. Жорий йилдан бошлаб бундай иқтидорли ёшларимиз “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан чет элларда стажировка ўтайди”, дея алоҳида таъкидлади. Бу вазифани бажариш бўйича жамғарманинг имконияти қай даражада?

— Дарҳақиқат, сиз айтган маросимда давлатимиз раҳбарининг “Бизнинг томиримизда ана шундай улуғ боболаримиз қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг эзгу бурчимиздир”, деган гаплари бизларни янада руҳлантирди. Бинобарин, мамлакатимиз ёшларини, жумладан, вазир, ҳоким, идора ва банк раҳбарларига камида 2 нафардан захирага олинган ёш номзодни хорижий давлатлардаги энг нуфузли олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, компания ва ташкилотларда ўқитиш, билим, кўникма ва тажрибасини ошириш учун етарли имкониятга эгамиз.

Бу йигит-қизлар чет элда таҳсил олиб, Ватанимизга қайтиб келгач, олган билими, орттирган тажриба ва кўникмасини ўз фаолиятида кенг қўлласа, иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида катта ўзгаришлар юз беради. Янги инновациялар жорий этилади. Бу эса халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда ёшларнинг фаоллиги ва ўрни қай даражада эканини намоён этади.

— Жамғарма томонидан ёшларнинг хорижга жўнатилиши қандай талаб ва мезонларга асосан амалга оширилади? Саралаш ва баҳолаш жараёнларида шаффофлик, очиқлик қандай тартиб ва қоидалар билан таъминланган?

— Аввало, номзод Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши керак. Бакалавриат таълим дастурига 25 ёшгача, магистратура таълим дастурига 20 ёшдан 45 ёшгача ва докторантура таълим дастурига 22 ёшдан 45 ёшгача номзодлар ҳужжат топширишлари мумкин.

Олдинги йилларда танлов тўртта — магистратура, докторантура, стажировка ва малака ошириш дастурлари асосида ташкил этиларди. Саралашнинг ўзи ҳам тўрт босқичда ўтказилган. Янги тартибга мувофиқ, саралаш энди икки босқичда амалга оширилади. Бу эса номзодларнинг вақти ва маблағини тежашга хизмат қилади.

Биринчи навбатда, ҳужжат топширишда номзод хорижий олий таълим муассасасига ўқишга шартли ёки шартсиз қабул қилинганлигини тасдиқловчи таклифнома хати, мазкур университетлар QS, THE, ARWU ва US News and World Report рейтингларида жаҳондаги “энг илғор 300 таълим муассасаси” рўйхатида бўлиши лозим. Агар университет бу рейтингдан жой ололмаган бўлса, маълум бир фанни ўқитиш бўйича энг яхши юзта таълим муассасаси (Топ-100) сифатида қайд этилган бўлиши керак. Номзод ана шу “энг илғор 300 та таълим муассасаси”дан “ўқишга қабул қилиндингиз” деган мазмундаги таклифнома олган, хорижий тилни билиш бўйича CEFR B2 даражасидаги сертификатга эга бўлиши шарт.

Биз илгари номзод хорижий тилни қанчалик билиши юзасидан имтиҳон ташкил этар эдик. Энди бунга зарурат йўқ, чунки номзоднинг қўлида чет тилини билишини тасдиқловчи сертификат бор. Илгари хорижий олий таълим муассасасига қабул қилишда номзодлар эссе ёзарди. Ҳозир бу ҳам бекор қилинди.

Ҳужжатлар тўлиқ ўрганилиб, кейинги босқичга тавсия этилган номзодларни вазирликлар, Фанлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази мутахассислари, соҳа олимлари, хорижлик экспертлар, психологлардан иборат комиссия аъзолари суҳбатдан ўтказади. Суҳбат жараёни тўлалигича видеотасмага ёзиб олинади ва жавоблар комиссия томонидан баҳоланади. Агар номзод баҳоларга норозилик билдирса, апелляцияга бериши мумкин. Апелляция жараёни ҳам видеотасмага ёзиб олиниб, тегишли хулосалари балларда белгилаб берилади.

Жамғарма Васийлик кенгаши қарори билан энг юқори балл тўплаган номзодлар “Жамғарма стипендиати” деб эълон қилинади ва унга тегишли сертификат топширилади.

— Ностандарт, янгича фикрлайдиган айрим ёшлар юртимизда ўз ўрнини тополмай, хорижга интилмоқда. Қизиғи, ўша ёқда ўз фаолиятини йўлга қўйиб, қолиб кетганлар оз эмас. Буни қандай изоҳлайсиз? Уларни юртимизда ишлашга рағбатлантириш учун маълум бир тизим йўлга қўйилганми?

— Шу ҳақда сўз борганда, кўпчиликнинг кўз олдига 1997–2003 йилларда фаолият олиб борган “Умид” жамғармаси келади. Чунки у орқали хорижда таҳсил олган айрим ёшлар қайтиб келиб, кейин яна чет давлатларга кетиб қолган. Шу ўринда таъкидлашни истардимки, 2000 йилларда хорижда ўқиб келган номзодларга бўлган муносабат, эътибор ёки мансаб пиллапояларидаги ўзгаришлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Ўша йиллардаги ҳолатни 2021 йилдаги билан солиштирганда осмон билан ерча фарқ бор. Давлатимиз раҳбари топшириқлари билан стипендиат хорижий олий ўқув юртида таҳсил олиб қайтганидан кейин у билан тизимли ишлаш механизми йўлга қўйилган.

Бу ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда инфратузилманинг анча ривожланган, иқтисодиётнинг тобора тараққий этаётгани, кенг қамровли ислоҳотлар самараси, ойлик маошларнинг қайта кўриб чиқилгани, кадрларнинг доимий мониторинг қилиб борилиши, хуллас, иқтидорли ёшлар, мутахассислар билан ишлаш тизимли йўлга қўйилгани билан боғлиқ.

Бугунги кунда юртимизда кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирок этадиган замонавий, инновацион фикрлайдиган ёшлар, кадрларга эҳтиёж катта.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ярим йилдан кўпроқ вақт мобайнида 1000 нафардан ортиқ мутахассисни хорижда малака ошириш, стажировка, магистратура ва докторантура таълим дастурлари асосида тайёрлади. Уларнинг барчаси ҳозирги кунда мамлакатимизга қайтиб келиб, турли вазирлик ва идораларда, олий таълим муассасаларида фаолият юритмоқда.

— Хорижлик, жумладан, ватандош бўлган малакали мутахассисларни янги, истиқболли тармоқларга жалб этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича қандай таклифлар ишлаб чиқилди ва тадбирлар амалга оширилди?

— “Эл-юрт умиди” жамғармасининг энг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон маданий, илмий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли, дўстона муносабатларни ривожлантириш мақсадида хорижда истиқомат қилаётган, чуқур билим ва профессионал тажрибага эга бўлган иқтидорли олим ва эксперт-ватандошлар билан мулоқот ўрнатишдан иборат. Ана шу мақсадда “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳузурида ватандош экспертлар кенгаши ташкил этилган. АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Бельгия, Жанубий Корея, Австралия, Япония ва бошқа давлатларда фаолият олиб бораётган 25 нафар ватандош профессорларни ушбу кенгашга жалб қилдик. Ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш, таклифларни соҳаларда қўллаш бўйича фикрлар алмашилди. Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимини жорий этиш, унинг афзалликлари, тизимнинг асосий қоидалари, АҚШ ва Европа моделларининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг фарқли жиҳатлари, меъёрий-ҳуқуқий асосига доир маълумотлар шулар жумласидандир.

Айни пайтда Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда хорижий давлатларда фаолият олиб бораётган ватандошларнинг электрон реестри шакллантирилган. Унга 5 мингдан ортиқ ватандошларимиз ҳақида маълумот киритилган. Базани катта илмий ва амалий тажрибага эга, йирик халқаро компанияларда ишлаётган етук олим ва мутахассислар ҳақидаги маълумотлар билан бойитиш устида ишлар олиб борилмоқда.

— Фаолиятингиз бевосита хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликка боғлиқ. Бу борада қандай ишлар қилиняпти?

— Келгусида иқтидорли ёшларнинг хорижда таълим олиши, малака ошириши учун фақат давлат бюджети маблағларига қараб қолиш керак эмас. Эндиликда турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳам стипендиялар эълон қилмоқчимиз, шунингдек, уларнинг стипендияларини олишга муносиб лойиҳалар бўйича ишлаяпмиз.

Жумладан, Жанубий Кореядаги Сежонг университетининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун стипендиясини қўлга киритдик. Шунингдек, Францияннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, “Кампюс-Франс” ташкилоти ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси ўртасида келишув имзоланди. Унга мувофиқ, мамлакатимиз мутахассислари ва ёшлари учун ҳамкорликда стипендия эълон қиламиз, бир қисм маблағларни Франция томони қоплаб беради. Яқинда Германиянинг “DAAD” ташкилоти раҳбарлари билан Zoom орқали учрашув ўтказдик. Унда ҳам Германия билан ҳамкорликда юртимиз фуқаролари учун стипендиялар устида иш олиб боряпмиз. Бир сўз билан айтганда, фақат бюджет маблағи орқали стипендия эълон қилиш эмас, хорижий ҳамкорлар билан ёшларимизнинг чет элларда таҳсил олишини рағбатлантириш лойиҳалари

устида ишланмоқда. Жумладан, Буюк Британиянинг British Council ташкилоти билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Ҳамкорлик доирасида грантлар ажратилиши, маблағлардан катта чегирмалар бериш бўйича музокаралар олиб бориляпти. Шу тизим асосида таълим олган ёшлар, мутахассислар хорижда таҳсил олиб, Ўзбекистонга қайтиб келиб, турли вазирлик ва идораларда ўз меҳнат фаолиятларини олиб боришлари лозим бўлади.

Туб ўзгаришларни бошдан кечираётган юртимиз интеллектуал салоҳиятга эга, аҳди қатъий, шижоатли ва билимли қатламга таянади. Мамлакат илмий салоҳиятини ошириш, аждодларга муносиб ворисларни тайёрлаш масъулияти “Эл-юрт умиди” жамғармасининг олдига катта вазифаларни қўймоқда. Зеро, жамғармадан кутилаётган натижа, умидлар ҳам катта.

P/S. *Газета саҳифаланаётганда жорий йилги танловнинг дастлабки босқичи натижалари эълон қилингани ҳақида хабар келди. Унга кўра, 78 нафар номзод Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан “Жамғарма стипендиати” деб эътироф этилди.*

Уларнинг 31 нафари бакалавриат, 38 нафари магистратура ва 9 нафари докторантура таълим дастури асосида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Испания, Австрия, Бельгия, Канада, Австралия ва бошқа давлатларда таҳсил олиш имкониятини қўлга киритди.

Қувонарлиси, бакалавриат таълим дастури бўйича 13 нафар Президент мактаби, 8 нафар умумтаълим мактаби, 8 нафар академик лицей ва 2 нафар касб-ҳунар коллежи ўқувчилари хорижий давлатларда таҳсил олиш имкониятини қўлга киритди.

Бу юртимизда Президентимиз бошчилигида Учинчи Ренессансга қўйилаётган пойдевор ғоят мустаҳкам эканидан далолатдир.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

БИЗНЕС МАРАФОН

ТАДБИРКОРЛИК ҲАМ ИЛМГА ТАЯНАДИ

Рисолат ҲАЙИТҚУЛОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Дунё савдо аҳли ила ободдир”. Мана, неча асрлар аввал Соҳибқирон Амир Темур таъкидлаган ушбу ҳикмат бугунги кунда янада чуқур маъно-мазмун касб этяпти. Зеро, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, ҳунармандчилик давлатимиз, жамиятимиз ривожида ҳал қилувчи вазифани ўтамоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу йўналишда қабул қилинаётган қарорлар эса кичик ва ўрта қатлам вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ёшларда тадбиркорликка иштиёқ уйғотишга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

“Ёшлар — келажагимиз” жамғармасининг бизнес ташаббуслар, стартап ғоялар ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш борасида олиб бораётган ишлари ёшларга оид масалаларнинг ҳамиша давлат эътиборида эканига яққол далилдир.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг декабрь ойида ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумида “Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровлар аксарият ёшларимизда ижобий мотивация, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида зарур билим ва малака етишмаслигини кўрсатди. Демак, уларга тадбиркорлик асосларини ўргатишга қаратилган ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим”, дея алоҳида таъкидлади.

— Президентимизнинг мана шу гапи фаолиятимизни янгидан кўриб чиқишга ундади. 2021 йил бошидан буён юртимиз бўйлаб ёшларга ўзининг турмуш шароитини яхшилаш, касб-ҳунар ва тадбиркорлик билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “Бизнес марафон” мотивацион тренингларини ўтказиб келяпмиз, — дейди “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси ижрочи директори Хайрулла Сатторов. — Тадбирлар янада самарали бўлиши учун халқаро ва маҳаллий миқёсдаги нуфузли нотиқлар, етакчи тадбиркорлар жалб этилмоқда. Биз навқирон авлодни тадбиркорликка фаол жалб этиш орқали ўзини ўзи ривожлантиришга кучли мотивация уйғотишни мақсад қилганмиз.

“Бизнес марафон” тадбирларида шу кунгача 30 минг нафардан зиёд ёш тадбиркор, уюшмаган ёш-

лар, талабалар иштирок этди. Қувонарлиси, уларнинг 8 минг нафарга яқини қизлар. “Бизнес марафон” доирасидаги мотивацион тренинглар юртимиз ва хорижда муваффақиятга эришган ватандошларимиз, тажрибали тадбиркорлар ва бизнес тренерлар томонидан олиб борилмоқда. Тренингларда ёшлар бизнесни қандай бошлаш, рақобат муҳитида бозорда ўз ўрнини топиш, ходимлар билан ишлашдаги усуллар, руҳий ва иқтисодий банкротлик, барқарорликка эришиш, бизнесга инвестиция киритиш каби ўзларини ўйлантираётган саволлар билан мурожаат этди.

— Ёшларнинг шижоати баланд. Ҳозирги йигит-қизларни ўзимнинг ёшлигим билан солиштираман. Афзаллиги шундаки, бугун янгилик яратиш учун барча шароит бор, — дейди тадбиркор Шерзод Бекназаров. — Улар берилган имконият, имтиёз натижаси ўлароқ, ҳар қандай бизнесни қўрқмасдан бошлашга, натижа кўрсатишга тайёр. Шижоат балқиб турибди кўзларида. Бундан жуда хурсандман. Тўғри йўналиш берилса, биз 16 йилда эришган ютуққа ёшлар бир-икки йилда эришиши мумкин, Ёшларга ўзи севган соҳа бўйича шогирд тушиб, касб-ҳунар ўрганишни тавсия қиламан. Масалан, бизнес ғилдираги қандай айланади, деган саволга жавоб олгач, уни айлантириш осон кечади. Нолдан бизнес бошласа ҳам қийналмайди. Бу тажрибамда ўз исботини топган. Шу нуқтаи назардан, ёшлар билан ўтказилаётган учрашувларнинг аҳамияти катта.

Мотивацион тренингларда ёшлар бизнесга кириш, ходимларни танлаш ва бошқариш усуллари, келажак бизнеси, чет тилини ўрганиш, ахборот технологиялари, онлайн бизнес, маркетинг ва менежмент, бозор таҳлили, бизнесдаги банкротлик, маслашувчан бизнес, тадбиркорлик қадриятлари ҳамда бошқа йўналишларда билим ва кўникмаларга эга бўлмоқда.

Ўз ишини бошлаш арафасида ёки тадбиркорликнинг дастлабки босқичида турган минглаб ёшлар мамлакатимизда муваффақиятли фаолият олиб бораётган ишбилармонлардан бизнеснинг ёзилган ва ёзилмаган қоидаларини ўрганди.

— Энг тажрибали, муваффақиятга эришган тадбиркорлар ўзининг тажрибаси, амалиётини бизга кўрсатиб бера олди, — дейди Қарши шаҳридаги “Taraqqiyot hamkor qurilish” МЧЖ директори Фарҳод Кичкинаев. — Учрашувдан катта мотивация олдим. Энди ўзим ишлаб чиқараётган маҳсулотларни интернет платформаси орқали сотаман.

— Тадбиркорликнинг ҳам ўз йўли бор, — дея фикрини давом эттирди Хайрулла Сатторов. — Буни, эҳтимол, мактаб, лицей, институтда ўргана олмасмиз. Соҳа сирларини шу йўлни босиб ўтган тажрибали тадбиркорлардан эшитиш кишига иштиёқ беради. Шу ўринда “Бизнес марафон” илм изланган ёшлар билан илмли одамлар ўртасида кўприк бўлди. Ёшлар режа билан бизнес бошласа, халққа, жамиятга фойдаси тегса, ўз мақсадимизга етган бўламиз.

Ҳудудларда ўтказилган ёшлар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига 225 та “Бизнес саёҳат”, 349 та ўқув семинари, 145 та мотивацион тадбир, 93 та кўргазма савдо ярмаркаси, тадбиркорлик соҳасига оид консалтинг хизматлари кўрсатиш орқали 68,9 минг нафар ёш қамраб олинди. Жорий йилда эса камида 20 минг нафар ёшни талаб юқори бўлган 15 та касб-ҳунар бўйича ўқитиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси, “Ишга марҳамат” мономаркази ва “Worldskills Uzbekistan” ташкилотлари ўртасида онлайн платформа яратиш, методик таъминлаш, доимий ривожлантириш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

“Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси томонидан ёшлар ўртасида сўровномалар ўтказилди. 25 минг нафар ёшнинг хоҳиш-истагини инобатга олган ҳолда, талаб юқори бўлган 15 та касб рўйхати шакллантирилди.

Айни пайтда жамғарма томонидан ташкил этиладиган мотивацион тадбирлар, халқаро форум ва ярмаркаларда имкон қадар кўпроқ ёш тадбиркорлар иштирокини таъминлаш режалаштирилган.

2 ИЮЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

БУНДА ВАТАНИМНИНГ АКСИ БОР

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
ёзувчи

Герб — давлатнинг бош тасдиғи. Содда қилиб айтганда, бош бармоғи. Шаҳодати. Шаҳодатга ўтувчи ҳужжат. Инсоннинг бош бармоғи муҳри ўрнида унинг бору йўқлигини белгилайди. Герб ҳам давлат учун худди шундай аҳамиятга эга. Унда мамлакатнинг яхлит кўриниши, мазмун-моҳияти акс этади.

Она Ўзбекистонимизнинг герби ҳам гўзал юртимизнинг бўй-басти, ҳусну тароватини, қудрати, халқимизнинг нияти, бу кўҳна заминда Ватанимизнинг муқаддас ўрнини ифодалайди.

Қаерда, қай макону қутбда жой олмасин, ҳар қандай Ватан инсон учун беқиёс, ардоқли маъво саналади. Герб эса ана шу ардоқли маъвони тугал ифодаловчи рамз, ана ўша маскан ҳақида жуғрофий, тарихий, сиёсий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан тўлиқ маълумот берадиган, керак бўлса, ҳар биримиз кўксимизда ардоқлаб олиб юрадиган жонли харита ҳамдир. Ҳа, юртнинг яхлит жонли харитаси.

Шу ўринда яқинда бўлган бир воқеани айтиб берай. Мисрнинг Шарм аш- Шайх шаҳри аэропортидамиз. Серҳашам ойнаванд залдан самолётлар учиб-қўнаётган кенг майдон кўзга ташланади. Русуми деярли бир хил, аммо сиртига турли давлатларнинг белгиси ёки уларни ифодаловчи ёзувлар битилган самолётлар саф тортган аэропортга “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясига тегишли “Боинг” самолёти ҳам келиб қўнди. Ишонасизми, юрагим ҳапқириб, кўз олдим янада тиниқлашиб кетди. Залдаги дўконда у-бу нарса сотиб турган қоҳиралик Абу Бакирга мана шу самолёт бизнинг самолёт эканини айтдим. Очиғи, ҳаяжонимни яширолмадим:

— Абу Бакир, қадрдоним, қара, анави бизнинг самолёт. Қара, ҳамма самолётлардан чиройли. Сиртида бизнинг чиройли байроғимиз тимсоли туширилган ҳув анави самолётни айтяпман. Қандай маҳобатли! (Сиртидаги байроғимиз тимсоли уни шундай кўрсатгани айни ҳақиқат). Бошқа самолётлардан ажралиб турибди. Шундай эмасми?

— Чиройли экан. Ҳа, жуда чиройли кўринаркан, — дейди у рус тилида ўзига хос талаффуз билан.

Абу Бакир бу гапларни боядан бери кутиш залида ўтирган меҳмоннинг, яъни менинг кўнглим учунгина айтмаётганини ҳис қиламан. Бошқа мамлакатларнинг аэропортларида ҳам кузатганман — сиртига байроғимиз тимсоли туширилган самолётларимиз алоҳида ажралиб, кўзга ярқ этиб ташланиб туради. Абу Бакир самолётимиздан кўз узмайди. Юртимиз ҳақида кўпроқ билишни истаётган бу инсонга қараб хаёлимга бир фикр келади. “Юртингиз чиройлими?” деб сўраган шеригимнинг қизиқиш ҳисси нурланган чеҳрасига боқиб қувониб кетаман. Дарҳол қўл телефонимни очаман. Телефон ойнасида юртим байроғи, мадҳияси ва герби жойлашган саҳифага кираман. Гербни танлаб, экранда катталаштираман-да, Абу Бакирга кўрсатаман:

— Қара, бу юртимнинг герби! Унда бутун Ўзбекистон, менинг она Ватаним акс этган. Қара, бизда ҳамма нарса бор. Тоғлар, дарёлар, буғдойзорлар, пахтазору гуллаган водий, қуёш нури, эркинлик ва ҳурлик, имон-эътиқод ифодаси — бари-бари бор. Қара, бахт ва эрксеварлик рамзи бўлган Ҳумо қуши гербимиз марказида қанотларини ёзиб турибди. Бизда тўрт фасл ҳам жой-жойида. Саховат ва ҳаётбахшлик файзли этган юртимизнинг мукаммал ва ихчам ифодасини кўряпсан. Хуллас, шу гербда бор нарсанинг бари ҳақиқат. Демак, гербимизга боқсанг, бас, Ўзбекистон ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўласан. Агар Ўзбекистонга борсанг, гербимиздаги гўзал манзараларнинг асл ўзини, бетакрор бир юртни кўрасан.

Абу Бакир гербимизга узоқ термулиб туради ва жилмаяди.

Самолёт ҳавога кўтариляпти. Менинг тасаввурим эса тиниқ тортади. Ер юзининг боғу бўстони бўлган она Ўзбекистоним сари учаётганимдан қувонаман. Қўл телефоним ойнасида ярақлаб турган Ватаним гербига қараб кўнглим юксалади, кўз олдимда Абу Бакирнинг ҳавас билан боқиб турган беғубор чеҳраси намоён бўлади.

5-модда.

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

8-модда.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонуни

ҒУРУР

Ғайрат МАЖИД

ДАВЛАТ ТИМСОЛИ

Халқим, манглайингда порламиш юлдуз,
Оламга муборак қуёш жамоли.
Ниҳолни асрайди ҳамиша илдиз,
Герб — миллат тимсоли, Давлат тимсоли.

Бир қутлуғ коринга ярайин Ватан,
Кўкка елка тутган тоғлар мисоли.
Ҳазрат боболарнинг мулкимиз, зотан,
Герб — миллат тимсоли, Давлат тимсоли.

Оппоқ хирмон уйган қўли қадоқ эл,
Пахтаси сингари оқ истиқболи.
Сел қилиб куйлатар буғдойзорни ел,
Герб — миллат тимсоли, Давлат тимсоли.

Жон қадар азиздир, эътиқод, иймон,
Пок йўлдан белгидир янги ҳилоли.
Тирикликнинг ҳар бир лаҳзаси имкон,
Герб — миллат тимсоли, Давлат тимсоли.

Ҳумодек парвоз эт, юксакларга уч,
Етмасин ҳасаднинг ҳатто хаёли.
Дилга соф мақсадлар бағишлайди куч,
Герб — миллат тимсоли, Давлат тимсоли.

Янги қўрғонимсан, жон — Ўзбекистон,
Туғрода ишора юртим камоли.
Ойбарчин, Алпомиш — ҳар қиз, ҳар ўғлон,
Герб — миллат тимсоли, Давлат тимсоли.

Герб — миллат тимсоли, Давлат тимсоли...

ҲУМО ҚУШИ ҚУЧГАН ЮРТ

Бўри ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси, тарих фанлари номзоди

Бошланиши 1-бетда

Бугун гербимиз тасвири муҳрларда, расмий иш қоғозларида, миллий валютамизда, фуқаролик паспортида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳужжатлардан жой олган. Дарҳақиқат, Давлат герби мамлакатнинг сиёсий, миллий, географик, этник ва бошқа ўзига хос хусусиятлари ҳамда бой тарихий анъаналарини ифодалайди. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

“Герб” сўзи немисча “эрбо”, полякча “херб” сўзларидан олинган бўлиб, “мерос”, “мулк белгиси” маъноларини англатади. Герб антик даврларда пайдо бўлган. Шумер давлатининг гербида шер бошли бургут, қадимги Рим давлати гербида бургут тасвирланган. Ғарбий Европада салб юришлари даврида герблар уруғ, меросхўрлик белгиси сифатида (XI-XII асрлар) ишлатилган.

Бундан 2500 йил муқаддам Эрондан Олтойга қадар чўзилган улкан сарҳадда ҳукм сурган қадимги турк хони Ўғузхон даврида ҳам туркча “тамға” сўзи ишлатилган. Машҳур тарихчи Рашиддиддин Ҳамадоний “Танланган тарихлар” номли китобида шаҳодат беришича, Ўғузхон ўз мол-мулкини ўғилларига улус сифатида кичик давлатларга бўлиб инъом этган. Ушбу давлатлар ҳукмдорларининг ҳам ўз хонлик тамғаси бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур давлатининг гербида ҳам 3 ҳалқа тасвирланган бўлиб, бу буюк бобомизнинг 3 иқлимда, яъни шимол, жануб ва ғарбда ҳукмрон эканига ишора эди.

Тарих фанлари доктори, профессор Б.Матбобоев қайд этишича, ўзбекистонлик ва хитойлик археологлардан таркиб топган қўшма экспедиция Фарғона водийси антик даврининг (мил. авв. IV — милодий IV асрлар) йирик археологик ёдгорлиги — Мингтепа шаҳар харобасидан турли тасвирлар туширилган ноёб ашёларни топган. Улардан бири сопол парчаси бўлиб, унинг устки қисмига сиртлоннинг (ёлдор бўри) бош қисми, ички томонига эса, сипоҳий жангчи ва тумшуқлари яққол кўриниб турган, қанотларини кенг ёйган қуш тасвири нақшланган. Олимнинг таъкидлашича, бу Ҳумо қуши бўлиб, у аждодларимизга кўтаринки руҳ, шижоат, эзгу орзу-умид бағишлаб турган.

“Авесто”да Ҳумо қуши тимсоли эзгулик, яхшилик, поклик, ҳалоллик, адолат, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат ифодаси экани қайд этилади.

Албатта, гербимиз тарихи шу ватанни севиб ардоқловчи ҳар бир инсон учун муҳим. 1991 йил Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилиш юзасидан комиссия тузилиб, экспертлар гуруҳи тасдиқланган. Бу гуруҳ давлат герби лойиҳаси бўйича тақдим этилган бир қанча намуналарни ўрганиб чиқиб, улар асосида герб лойиҳасининг учта вариантини матбуотда эълон қилди. Бунда биринчи ва иккинчи вариант асосчилари бош тасвир сифатида Ҳумо қуши тасвирини танлади. Бунга қадар Ҳумо қуши тасвири Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳрида мавжуд эди.

Халқ оғзаки ижодиётида Ҳумо қушига — давлат қуши, бахт келтирувчи қуш, олийжаноблик ва фидокорлик рамзи сифатида қаралиши бу тимсолнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемасига туширилиши учун энг муҳим далил бўлди.

Давлат герби эмблемаси лойиҳасининг икки варианти матбуотда эълон қилинди. Олий Кенгашнинг 1992 йил январь ойида бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида Ҳумо тасвирланган лойиҳа кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Давлат герби учун асос қилиб олинди. Унга ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган эзгу ниятни ифодалайдиган, шунингдек, Ўзбекистондай ниҳоятда гўзал табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб турадиган қуёш тасвири ва ризқ-рўзимиз бўлмиш ғалла ҳамда асосий бойлигимиз пахта тимсоли киритилди.

1992 йил 2 апрелда матбуотда Давлат гербининг Ҳумо қуши тасвирланган янги икки лойиҳаси эълон қилинди. Дастлабки танловда иштирок этган учинчи лойиҳа элементларидан бири, яъни собитлик ва барқарорликни ифодалайдиган саккиз қиррали юлдуз — мусамман тасвири ҳам янги лойиҳаларнинг юқори қисмига туширилди. Мусамман ичига қандай тасвир бериш масаласида мунозара бўлгани сабабли янги танловга лойиҳанинг икки варианти қўйилди. 1992 йил 2 июлда умумхалқ муҳокамасида энг кўп маъқулланган вариант Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемаси сифатида тасдиқланди.

1992 йил 2 июлда “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 8 та моддадан иборат бўлиб, унинг 2-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзидир”, деб белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби гуллаган водий узра чарақлаб турган қуёш тасвиридан ҳамда ўнг томонида буғдой бошоқлари, сўл томонида очилган пахта чаноқлари сурати туширилган чамбардан иборат. Гербнинг юқори қисмида мамлакатимиз, халқимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Саккиз қирра ичида жойлашган яримой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуғ рамзидир. Герб марказида ҳиммат, олийжаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёйиб турибди. Ушбу рамзлар ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди. Гербнинг пастки қисмидаги Давлат байроғини ифодаловчи уч рангдаги чамбар бандига “Ўзбекистон” сўзи битилган.

Гербимиздаги ҳар бир тимсол миллий анъана ва қадриятларимизнинг боқийлиги, маънавиятимиз юксаклиги, ирода ва эътиқодимиз мустаҳкамлиги рамзидир. Шу маънода, давлатимиз гербидаги фалсафий рамзлар янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар руҳига ҳам ғоят ҳамоҳанглиги билан қалбимизда фахр ҳиссини уйғотади.

Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, халқимиз турмуши фаровонлиги, ҳамжиҳатлигини таъминлашга хизмат қилиб, азиз Ватанимизда тинчлик, бағрикенглик, бахт-саодат, келажакка ишонч ҳиссини юксалтирмоқда.

Кейинги йилларда миллий рамзларимиз қабул қилинган тарихий саналар билан бир-биримизни қутлашимиз анъанага айланиб бормоқда. Бу эса, авлодлар миллий ғурур ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишига замин яратади. Енгилмас иродамиз рамзи бўлган гербимиз — юртимизнинг улкан ютуқ ва марраларида янада юксак аҳамият касб этади.

ЎЗБЕК ЁШЛАРИ ҚАЛБИДА СУРУР, БИЛАГИДА КУЧ, ҚАДАМИДА ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК УЙҒОНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Бу мамлакатда спортни оммалаштириш, самарали селекция ишларини йўлга қўйишнинг энг муҳим йўли эканини соҳа вакиллари, мураббийлар жуда яхши билади.

Имконият — иштиёқ, иштиёқ — ғалабалар асоси

Ўзбекистонда спортга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Бу, аввало, халқимиз, ёш авлод саломатлиги йўлидаги муҳим қадамлардан бири. Саъй-ҳаракатлар натижаси ҳам кўп куттирмади. Буни Токиода бўладиган Олимпиада ва Паралимпия йўлланмасини қўлга киритаётган спортчиларимиз мисолида кўришимиз мумкин.

Бугун уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, кейинги йилларда спорт соҳасига, хусусан, Олимпия ўйинларидан жой олган спорт турларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, шароитлар яхшиланаётгани, имтиёзлар кўпайгани ҳақида тўлиб-тошиб гапиради.

— Аввало, Ёшлар байрамида Президентимизнинг биз ҳақимизда ҳам алоҳида гапириб, кичик бўлса-да, ютуқларимизни эътироф этгани, ота-онамизни, мураббийларимизни ҳам тилга олганидан хурсанд бўлдик, — дейди бокс бўйича Токио Олимпиадаси лицензиати Турсуной Раҳимова, — Ўзбекистондаги бугунги спорт муҳитини аввалги йиллар билан солиштириш қийин. Буни ўз фаолиятимдан биламан. Бокс бўйича моддий-техник базамиз тубдан янгиланди, мураббийларимизнинг маоши ошди. Биласизми, улар яхши ойлик олса, сизнинг ҳам руҳиятингиз тетик бўлади. Чунки истайсизми,

йўқми, спортчининг муваффақиятлари бевосита мураббийга боғлиқ. Қачонки, мураббийнинг рўзғоридан кўнгли тўқ бўлса, сиз билан ҳеч муаммосиз, астойдил шуғулланади. Бунинг учун Президентимиздан жуда миннатдормиз ва Олимпиада ўйинларидан юзимиз ёруғ ҳолда қайтишга сўз берамиз.

“Қанийди, ёшлигим қайтиб келсайди...”

Халқимиз фахри — Олимпиада ўйинлари лицензиатлари, давлатимиз раҳбарининг уларга бўлган эътибори ҳақида гапиряпмиз-у, хаёлимизда ёшлик хотиралари жонланмоқда.

Биз билан ким дардлашарди? Ота-онамиз, яқинларимиздан бошқа кимга дардимизни айтардик? Ҳатто маҳаллага чиқиб бирон муаммони айтиб бўлмасди. Барибир чора топилмасди, хуллас, ўзинг учун ўл етим, деган замонларни ҳам яшаб ўтдик.

Кейинги беш йилдан буён янги Ўзбекистон ёшларига, ука-сингилларимизга, фарзандларимизга ҳавас қиляпмиз. Ҳа, улар шунга муносиб. Бугун уларни ҳоким излаб келади, муаммосини сўрайди, давлат пул беради, токи ўз йўлини топиб олсин, ҳеч кимдан кам бўлмасин.

Яна бир гап. Бугунги ёшлар истаган вақтида Президентга мурожаат қилиши мумкин. Давлат раҳбарининг ўзи ёшлар билан тез-тез учрашиб, дилдан суҳбат қуриши ҳам яхши анъанага айланди.

Бундай муҳитда улғайган ёшлардан умид катта. Шу умид ўзининг нишоналарини бера бошлаганига ҳам бир неча йил бўлди. Бугун Ўзбекистон ёшлари хоҳ фан олимпиадаларида, хоҳ АКТ соҳасида, қўйингки, қайси йўналишда бўлмасин, дунёдаги тенгдошларидан ўзиб кетмоқда.

Албатта, бу ҳақда соатлаб гапириш, жилд-жилд китоблар ёзиш мумкин. Шундай экан, биз Токиода бўлиб ўтадиган Олимпиада ва Паралимпия мусобақаларида иштирок этиш учун отланаётган спортчиларимизга яна бир бор омад тилаб, фикримизни Президентимизнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасидаги қуйидаги гапи билан тугатишга жазм этдик: **Бугунги кунда кўпмиллатли халқимиз, Ватанимиз тараққиёти учун, Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу йўлда улкан орзу-умидлар, катта режалар билан сафимизга қўшилаётган ёшларимиз — асосий таянчимиз ва суянчимиздир.**

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТОКИО ЗАФАРИ СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Сочим толасидан оқ қалам олдим,
Сиёҳга кўзимдан қатра нам олдим,
Дилимга ғолиблик туйғусин солдим,
Меҳрим бошингиздан элагим келди,
Токио зафарин тилагим келди.

Алпомиш авлодин қони сиздадир,
Ҳазрат Амир Темур шони сиздадир,
Янги Ўзбекистон номи сиздадир,
Қалбдан гумонингиз қувлагим келди,
Токио зафарин тилагим келди.

Миллат шони бўлиб йўлга чиқдингиз,
Дунё майдонига дўлга чиқдингиз,
Эл ичра ғолибсиз, элга чиқдингиз,
Дуони дуога улагим келди,
Токио зафарин тилагим келди.

Эл меҳрин гулидир олий унвонлар,
Мадҳиямиз шаъни – сиз тутган шонлар,
Ёдлаб олсин уни ҳатто японлар,
Ғолиб бошингизни силагим келди,
Токио зафарин тилагим келди.

Сизга оқ йўл тилар жасур Юртбоши,
Кўздан оқсин фақат шодмонлик ёши,
Ҳар ғолиб Ватаннинг битта қуёши,
Қуёшлик бахтини куйлагим келди,
Токио зафарин тилагим келди.

Бутун Ўзбекистон сиз тараф бўлгай,
Бир “ОЛТИН” Ватанга минг шараф бўлгай!
Ғолиб — сиз, ғолиб — биз, бахтимиз кулгай,
Шоирман, мен шеърда қўллагим келди,
Токио зафарин тилагим келди.

Сўз — Токио Олимпиадаси лицензиатларига

Шаҳобиддин ЗОИРОВ,
Бокс бўйича Токио Олимпиадаси лицензиати,
Олимпиада чемпиони:

– Токио ўйинлари фаолиятимдаги иккинчи Олимпиададаги иштирок бўлади. Бундан беш йил олдин Рио-де-Жанейрода ўтказилган Олимпиадада олтин медални қўлга киритган эдим.

Орада терма жамоамиз таркибида нуфузли мусобақаларда қатнашдим. Жаҳон ва Осиё чемпионлигига эришдим. Машғулотларни тўхтатмадим. Чунки олдимга қўйган эзгу мақсадим жонажон Ватанимга ўзимнинг иккинчи Олимпия олтин медалимни тақдим қилиш ва шу орқали икки карра Олимпиада чемпиони номига сазовор бўлган биринчи ўзбек боксчисига айланиш.

Ҳали ўзбек спорти тарихида бокс бўйича икки карра Олимпиада чемпиони йўқ. Умид қиламанки, яқинлашиб келаётган Токио Олимпиадасида мен ушбу мақсадимга эриша оламан ва бунинг учун бор кучимни сарфлайман.

Бунинг учун давлатимиз раҳбари, Туризм ва спорт вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан барча керакли шарт-шароитлар яратиб берилган. Ўз навбатида, биз, боксчилар ушбу эътиборга яраша ўзимизнинг юксак натижаларимиз билан жавоб бермоқчимиз.

Айниқса, Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги алоҳида таҳсинга сазовор. Ортимизда шундай суянчиғимиз, тоғимиз бор экан, ҳар қандай вазифани уддаласа бўлади.

Мухлисларимиздан эса бизни қўллаб-қувватлашини илтимос қиламиз. Ишонамизки, Япониядан муваффақиятли натижалар билан қайтамиз. Янги Ўзбекистонга янги ғалабалар ёр бўлсин!

Сабина ТАШКЕНБАЕВА,
Бадиий гимнастика бўйича Токио Олимпиадаси лицензиати, “Таҳсин” мукофоти совриндори:

— Кейинги йилларда Ўзбекистон ёшлари ҳар соҳада салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Бунинг замирида, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат йигит-қизларига бўлган меҳри, ишончи ва эътиборини кўрамиз.

Спортдаги фаолиятимдан келиб чиқиб, айтадиган бўлсам, ҳар қандай ёшни эътибор ва рағбат улғайтиради. Бугун биз шундай муҳим шарафга эгамиз. Мен ҳам ана шундай ёшлар сафида эканимдан бахтиёрман.

Коронавирус пандемияси сабаб барча давлатда қийинчиликлар юзага келди. Президентимиз шундай мураккаб даврда ҳам бизни асло унутиб қўймади. Ҳар доим ҳолимиздан хабар олиниб, уйда шуғулланишимиз учун зарур шароитлар яратилди. Биз Олимпия ўйинларига йўлланмасини қўлга киритишимизнинг замирида давлатимизнинг мана шундай ғамхўрлиги ётибди. Биз, спортчилар доимо давлатимизнинг эътиборини ҳис этиб турамиз.

Ёшлар байрами Олимпиадада иштирок этувчи спортчиларимиз учун қўшалоқ байрам бўлди. Президентимизнинг ўзи бизнинг меҳнатимизни, дастлабки ютуқларимизни эътироф этди, ота-онамиз, мураббийларимиз меҳнатини ҳам алоҳида таъкидлади. Уларга ўз миннатдорлигини билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг бу ишончи ва юксак минбардан туриб айтилган меҳрли гаплари бўлажак Олимпия ўйинларидаги ғалабаларимизга асос бўлиши аниқ.

Дарвоқе, куни кеча “Таҳсин” мукофотига муносиб топилдим. Бу ҳам менга Олимпиада олдидан улкан ишонч ва ғайрат бағишлади.

ПАРАЛИМПИЯ

ШОҲСУПАГА ЙЎЛ ВАТАНГА МУҲАББАТДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимизда Паралимпия ҳаракатига бўлган эътибор хорижлик мутахассисларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Жумладан, шу ҳафта мамлакатимизда меҳмон бўлган Осиё Паралимпия қўмитаси президенти Мажид Абдулла Муршед Рашед бошчилигидаги делегация вакиллари бир қатор тадбирларда иштирок этиб, ўзбекистонлик ҳамкасблари фаолиятини, спортчилар ва мураббийларга яратилган шароитлар, имкониятларни юқори баҳолади.

Бу ҳақда Мажид Абдулла Муршед Рашед “Янги Ўзбекистон” газетаси мухбири билан суҳбатда батафсил гапириб берди.

— Ўзбекистон дунёга тобора танилиб, очилиб бораётган демократик давлат, — дейди Мажид Абдулла Муршед Рашед. — Ўзбекистон Президенти томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жаҳоннинг етакчи давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар, хусусан, Осиё Паралимпия қўмитаси раҳбарияти томонидан ҳам миннатдорлик билан эътироф этилмоқда.

Мамлакатингизда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш борасидаги ишлар диққатга сазовор. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига доир қонунни, паралимпия ҳаракатини ривожлантириш кўзда тутилган қарорни имзолаганини юксак қадрлаймиз. Бундай ҳужжатни қитъанинг ҳеч бир давлатида учратмайсиз. Оддий қилиб айтганда, ҳеч бир мамлакат паралимпия спортчиларига бу даражада эътибор қаратгани гувоҳи бўлмаганман.

Ташриф доирасида “Янги имкониятлар сари” фестивалида паралимпия спортчилари билан учрашдим. “Спорт ҳамма учун” лойиҳаси асосида жисмоний имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган шахсларни паралимпия спорт турлари билан кенг қамраб олиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамиятга интеграция қилиш мақсадида ташкил этилган анжуманда иштирок этдим. Бу анжуманда илгари сурилган долзарб вазифаларни амалиётга татбиқ этиш фақат ижобий натижа беради.

Ўзбекистон паралимпиячиларини Рио-2016 Паралимпиадасидаги чиқишларидан буён диққат билан кузатиб келаман. Спортчиларнинг салоҳияти юксалиб, моддий-техник база мустаҳкамланган, ғалабалар борасида ҳам сезиларли ўсишлар мавжуд.

Айниқса, 2018 йилда Индонезия мезбонлик қилган Параосиё ўйинларида мамлакатингиз спортчилари ўзлари иштирок этган деярли барча спорт турларида натижаларга эришди. Олдинда Токио Паралимпиадаси турибди. Қўмита раҳбари Мухторхон Тошхўжаев бу нуфузли мусобақага тайёргарлик жараёнини сўзлаб берди. Унга кўра, Токиога Рио-де-Жанейро ўйинларидагидан 17 та кўп лицензия билан бориш мақсад қилинган. Бунинг учун Президент Шавкат Мирзиёев сизларга барча шароитни муҳайё қилиб берибди. Ўйлашимча, эндиги навбат фақат ғалабага. Бу борада паралимпия терма жамоангиз аъзоларига омад тилаб қоламан.

Ташрифим давомида Туризм ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси раҳбарияти билан ҳам музокаралар олиб бордим. 2025 йил Тошкент шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги Осиё ўйинлари ўтказилишидан хабарим бор. Бунинг учун Тошкент шаҳри ва вилоятида жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган экан. Шу муносабат билан айни шу мусобақадан сўнг ўсмирлар ўртасидаги Параосиё ўйинларини ҳам Ўзбекистонда ўтказиш таклифи билдирилди ва бу бизга жуда маъқул бўлди.

Ўзбекистон миллий паралимпия қўмитаси раҳбари Мухторхон Тошхўжаев билан тез-тез мулоқот қилиб турамиз. Паралимпия ҳаракатини янада оммалаштириш борасида фикр алмашамиз, кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этамиз, умумий лойиҳаларни амалга ошириш режаларини ишлаб чиқамиз.

Ўтган йили БААнинг Дубай шаҳри мезбонлик қилган параатлетика бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси илк бор 8 та медални қўлга киритди ва мусобақани умумжамоа ҳисобида кучли ўнликда якунлади. Мен бемалол Ўзбекистонда паралимпиянинг янги модели яратилди, деб айта оламан ва бунга мисолларни кўплаб келтиришим мумкин. Муҳими, икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлиги бундан кейин ҳам сермаҳсул давом этади ва биз Ўзбек паралимпия моделини Осиёда ҳам қўллаймиз, деб ишонч билдириб қоламан.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Гулсум ШОДИЕВА ёзиб олди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2149.
76851 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:00 Топширилди — 23:30

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru